

## **ПРАВИТЕЛЬ МАНГЫТОВ ЭМИР ХАЙДАР**

**Аннотация:** В данной статье научно проанализировано государственное управление, внутренняя и внешняя политика, проводимые социально-экономические реформы, благоустройство страны мангытских эмиров, в частности, период правления эмира Хайдара на основе исторических источников.

**Ключевые слова:** Мирза Соми, Бану Шамс Бухари, Мионкаль, Шахрисабз, Карки, Мерв, Самарканд, Ургут, государство, политика, медресе, Мангыт.

## **AMIR HAYDAR THE RULER OF THE MANGITS**

**Annotation:** This article scientifically analyzes the creative work of the Mangit dynasty and its emirs, who left a significant mark on the history of Uzbek statehood, in particular, the history of Amir Haydar, public administration, domestic and foreign policy, socio-economic reforms

**Key words:** Mirza Somi, Bonu Shams Bukhara, Miyonkol, Shahrisabz, Karki, Merv, Samarkand, Urgut, madrassah Mangit

## **МАНГИТЛАР ҲУКМДОРИ АМИР ҲАЙДАР ҲАҚИДА**

**Анноттация:** Ушбу мақолада Ўзбек давлатчилиги тарихида салмоқли из қолдирган мангитлар сулоласи ва унинг амирлари, хусусан Амир Ҳайдар даври тарихи, давлат бошқаруви, ички ва ташки сиёсати, амалга оширган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлари бунёдкорлик ишлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган

**Калит сўзлар:** Мирза Сомий, Бону Шамс, Бухоро, Миёнкол, Шахрисабз, Карки, Марв, Самарқанд, Ургут, давлат, сиёсат, мадраса, мангит

### **- Кириш (INTRODUCTION)**

Мангитлардан бўлган Бухоро амири. Унинг ҳукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик ҳукм суради, яъни марказ ва вилоятлар ҳамда кечагина вилоят мақомида бўлган, лекин эндиликда алоҳида сиёсий бирлик - хонликка айланган Хива ва Кўқон билан қарама-қаршиликлар авжига чиқади ва мамлакатда ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушелар ва қўзғолонлар бўлиб турган. Миёнкол, Шахрисабз, Карки, Марвдаги маҳаллий кучлар яна ўз бошимчалик қила бошлаганлар. Чунончи, Марвни бошқариб турган Динносирбек (амирнинг укаси) Хива хони Элтузар қўмагига ишониб, бош кўтаради. Амир Ҳайдар учун бу ниҳоятда ҳавфли ҳолат эди. Чунки, бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйин эгмаслиги эмас, балки расмий сулола намоёндасининг минтақадаги рақиблардан – хиваликлар билан тил бириктириб, олий таҳтга қарши ҳаракати эди. Шунинг учун ҳам Амир Ҳайдар унга қарши лашкар тортади. Динносирбек бас келолмай Машҳадга қочади. Шоҳмурод даврда бўлганидек

*Амир Ҳайдар Марвни эгаллагач, маҳаллий аҳолининг бир қисмини Зарафшон водийсига кўчиртириб, бу ерга туркманларни ўрнашитиради.*

Бухородаги ички зиддиятлардан Хива хонлиги бундан кейин ҳам фойдаланишига кўп уринган. Ҳусусан Динносирбекка ёрдам берииш баҳонасида Бухоро амирлиги ҳудудига кириб борган Элтузархондан сўнг 1821-1825-йиллари Амир Ҳайдар Миёнколда хитой-қипчоқлар исёнини бостириши билан овворалигига Хиваликлар Чоржуй ва Марвга ҳарбий юриши ўюштирадилар. Хиваликлар хатто Марвни забт этишига ҳам муваффақ бўлганлар. Бунгача ҳам амирликнинг Шарқий қисмida анча ўйқотишлар ва ўзгаришилар бўлган.

**-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (LITERATURE REVIEW)**

Бу даврда яратилган тарихий асарларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишлиган бўлиб, уларда ўрта асрлар тарихнавислигидаги анъаналар давом эттирилгани кузатилади. Амирликда яшаб ўтган илм-фан намоёндаларининг фаолияти кўп киррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам яратганлар. Ҳусусан, Мулло Ибодулланинг “Тарихи амир Ҳайдар”, Мухаммад Шарифнинг “Достони амирони манғит”, Мир Олим Бухорийнинг “Фатхномаи сultonий”, Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғития”, “Даҳмаи шоҳон”, Мухаммад Шариф ибн Мухаммад Нақининг “Тожу таворих”, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар хонадони ҳукумдорлари тарихидан қисқача рисола”, Мирзо Содик Муншийнинг “Манғит ҳукмдорлари тарихи” кабилар шулар жумласидандир. Мавзуга доир адабиётларни қуидаги гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бухоро амирлиги даврида ёзилган асарлар.
2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилган тадқиқотлар.
4. Хорижда яратилган тадқиқотлар.

**-Тадқиқот методологияси (RESEARCH METHODOLOGY)**

Тадқиқот иши тарихийлик тамоили, хронологик ва қиёсий таҳлил усусларига таянади

**-Таҳлил ва натижалар (ANALYSIS AND RESULTS)**

XVIII аср 40-йилларига келиб Бухоро хонлигига сиёсий ва иқтисодий инқироз кучайди. Аштархонийлар сулоласининг сўнгти вакили Абулфайзхон (1711-1747) ҳукмронлик йилларида марказий ҳокимиятнинг заифлашуви натижасида Бухоро хонлигидан Кўкон ажралиб чиқиб, бу эрда мустақил хонликка асос солинди. Мамлакатнинг бекликларга бўлиниш хавфи кучая борди. Бунинг устига асли туркман уруғидан бўлган Эрон шоҳи Нодиршоҳ афшорнинг (1736-1747) Бухорога ҳужуми ва мамлакатнинг асосий шаҳарлари - Бухоро ҳамда Самарқанднинг улар томонидан эгалланиши ва таланиши сиёсий вазиятни янада мураккаблаштириди. Шундай мураккаб вазиятдатарих саҳнасида янги сиёсий куч – манғитлар сулоласи пайдо бўлди. Нуфузли манғит бийлари (беклари)дан Мухаммад Ҳакимбий оталиқ (вафоти 1743) манғитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши учун шарт-шароит яратиб берди. Мухаммад Ҳакимбийнинг ўғли Мухаммад Раҳим зиммасига янги сулола ва давлатга асос солишдек маъулиятли вазифа тушди. Мухаммад Раҳим 1715-йилда туғилган. Тарихчи Мирий (Мир Ҳусайн ибн Шоҳмурод)нинг ёзишича, у Шахрисабзда мўғуллар қувғин қилинган пайтда, амакиси Мухаммад Дониёлбий оталиқдан 5 йил кейин дунёга келади.

Амир Ҳайдар (1800-1826) отасининг марказлаштириш сиёсатини давом эттириди. Амир Ҳайдарнинг онаси аштархонийлардан Абулфайзхоннинг қизи Бону Шамс бўлган. Бухоро мадрасаларида 10 йил таҳсил олиб, Куръони карим шархи ва ҳадис илмларини пухта эгаллайди. Ёшлиқ пайтидаёқ диний билимларни чукур ўрганиш, Куръонни ёд олиш ва кунора рўза тутишга аҳд қиласиди. Ушбу уч мажбуриятни доимий тарзда бажариб борган. Отаси

Шоҳмуроднинг вафотидан сўнг Қаршидан чақириб олинади ва анъанавий тарзда таҳтга ўтқазилади. Амир Ҳайдар Бухоро амирлигида вужудга келган кескин сиёсий вазиятни юмшатишга ҳаракат қиласи.

Унинг ҳукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик ҳукм суради, яъни марказ ва вилоятлар ҳамда кечагина вилоят мақомида бўлган, лекин эндиликда алоҳида сиёсий бирлик - хонликка айланган Хива ва Кўқон билан қарама-қаршиликлар авжига чиқади ва мамлакатда ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва қўзғолонлар бўлиб турар эди. Миёнкол, Шахрисабз, Карки, Марвдаги маҳаллий кучлар яна ўзбошимчалик қила бошлади. Амир Ҳайдар айрмачилик кайфиятларни намоён қилаётган Шахрисабз, Китоб, Ургут бекликлари, Миёнкол ва Самарқанд ҳокимларига қарши жанглар олиб боришга мажбур бўлган. Амир Ҳайдар Хурросонга ҳам ҳарбий юришлар қилиб, 1817-йил Балхни, шунингдек, Бадахшон, Қундуз ва Майманани Бухоро амирлигига қайтаради. Марв ҳокими Дин Носирбек (Амир Ҳайдарнинг укаси) Хива хони Элтузархон кутқусига учиб, 1804 йил акасига қарши бош кўтаради ва мағлубиятга учрайди. Шу аснода Хива хони Элтузархон бир неча марта Бухорога ҳарбий босқинлар уюштиради.

Ана шундай юришларнинг бирида Ниёзбек парвоначи бошчилигида 20 минг кишилик Бухоро қўшини хоразмликлар қўшинини мағлубиятга учратади. Элтузархон Амударёдан қочиб ўтаётганда дарёга ғарқ бўлиб ҳалок бўлади ва натижада Элтузархоннинг 3 биродари ва қўплаб хиваликлар асир тушишади. Амир Ҳайдар Элтузархоннинг кичик биродари Кутлуғмуродхонни 400 асир билан озод қилиб, Урганчга жўнатади. Элтузархондан сўнг 1821-1825-йиллари амир Ҳайдар Миёнколда хитой-қипчоқлар исёнини бостириш билан овора бўлганда хиваликлар Чоржўй ва Марвга ҳарбий юриш уюштирадилар. Хиваликлар ҳатто Марвни зabit этишга ҳам муваффақ бўлишади. Бунгача ҳам амирликнинг шарқий қисмида анча йўқотишлар ва ўзгаришлар юз берган эди. Масалан, Кўқон ҳукмдорлари 1805-йили Хўжандни, 1809-йили Тошкентни, 1816-йил эса Туркистонни ишғол қилиб, хонлик ҳудудига кўшиб олган эдилар. 1806-йили Жиззах, 1806-1813-йиллари Ўратепа, 1821-йили Самарқандга таҳдид солғанлар.

Амир Ҳайдар ўз ҳукмронлиги даврида асосан ички душманларга қарши кураш олиб боради. Шахрисабз, Самарқанд, Ургут бекликларида бўлиб ўтган ғалаёнлар, Марв воҳаси учун Хива хони Муҳаммад Раҳимхон билан олиб борилган урушлар амир Ҳайдарни давлатда ҳарбий-сиёсий ислоҳотлар ўтказишга мажбур қилди. Амир Ҳайдар бошқа мангит ҳукмдорларидан фарқли равишда ўз қўшинидаги аскарларга мунтазам равишда яхши маош тўлаб борган. Бундан ташқари у мамлакатдаги солик йиғувчиларга йиллик маош ажратиш билан бирга, уларга йилига икки марта сарупо улашган. Ўз навбатида камбағаллар, этим-эсирлар, қашшоқлар, дарвешлар, муҳожирлар ва муллаларга ҳар йили нафақа бериш учун катта миқдорда маблагъ ажратарди. Амирликда хитой-қипчоқлар томонидан юзага келиб турадиган турли можароларни олдини олиш мақсадида ушбу ҳудудларга нисбатан турли тўловлар миқдорини камайтирган. Амир Ҳайдар ҳукмронлик даври қанчалик таҳликали, зиддиятли бўлмасин, у ички ва ташқи душманларга қарши курашиш билан бирга мамлакатда бирқатор ислоҳотларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

Оъзбек давлатчилиги тарихида муҳим оърин тутган Бухоро амирлигида ҳам илм-фанни ривожлантириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим вазифалардан бири эди. Мангит ҳукмдорларидан Амир Ҳайдар (1800-1826) ўз ҳукмронлиги даврида илм-фан, дин ва таълим соҳаларига алоҳида эътибор қаратди. Унинг бу соҳада амалга оширган ишлари ҳақидаги маълумотлар сарой тарихчилари асарлари ва инглиз сайёҳларининг кундаликларида учрайди. Жумладан, сарой тарихчиси Мирза Абдулазим Сомий ўз асарида Амир Ҳайдар ҳақида “саховатпеша, олим ва одил подио эди. Барча илмлардан етарлича хабардор бўлиб,

илем ила шуғулланган пайтларида қори, давлат ила бандлигига қарамай, илми илоҳиётни ўрганмоқда бўлган толиб-ул илмларга сабоқ берар ва шогирдларининг давраси минг киишидан кам бўлмасди”, деб ёзади.

Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида мактаб таълимини ислоҳ қилишга киришди. 1803-1804-йилларда ўтказган ислоҳотларига кўра, амирликдаги барча фуқаролар учун зарурий умумий таълим жорий этилган. Амирликнинг тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолиси учун давлат хазинасидан мактаблар қурдириб, у ерда дарс бериш учун Бухоро шаҳридан муаллимлар жўнатилган. Муаллимлар билан бирга таълим тизимини ташкиллаштириш, дарслеклар, ўқув қуроллари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун саройнинг нуфузли амалдорлар ҳам юборилган. Шунингдек, умумий таълим бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар, муаллимлар ва амалдорларнинг фаолиятини назорат қилиш учун ҳар бир беклика маҳсус вакиллар жўнатилган.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Анке фон Кюгелген. Легимитация среднеазиатских династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв). – Алматы: Институт Востока Германского Восточного общества, 2004.
2. Аҳмедов М.Q. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Ахметова Ш.С. Историческое краеведение в Казахстане: учебное пособие. – Алма-Ата, 2012.
4. Бартолд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. в 9-томах Т.1. -М.: Наука, 1963.
5. Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигига таълим тизими (XIX аср охири – XX бошларида): Тарих фан. номзоди ... дисс. автореф. –Тошкент, 2011.
6. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara."CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.5 (2021): 18-21.
7. Beshimov Maqsud. XX ASR BOSHLARI BUXORODAGI IJTIMOIY-SIYOSIY VAZIYATNING TARIXIY ADABIYOTLARDA BAYONI. // Buxoro tarixi masalalari mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy (onlayn) konferensiya materiallari: – Buxoro-2021. 258-263
8. M.K.Beshimov. BERUNIY “QADIMGI XALQLARDAN QOLGAN YODGORLIKlar” ASARINING AHAMIYATI. // Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi 2021-7: 174-176
9. M.Beshimov. ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ. // Zamonaviy tarix fani metodologiyasining dolzarb muammolari mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari 2021-yil 24-mart: 269-271
10. Temirov F. Xalikova N. From the history of foreign policy and development of diplomacy in the emirates of bukhara // Scientific progress. - 2021. - T. 2. - №. 1. - S. 1276-1282;
13. Temirov F. Of the journalistie work of Sadriddin Ayni Concerning Issues of Bukhara history. Irish Interdisciplinary of Science & Research (IIJSR) Vol.6, Iss.1.Pages,12-17. January-March 2022
14. Temirov F., Umarov B. Practical application of family, marriage and inheritance rights in bukhara emirates // Scientific progress. - 2021. - T. 2. - №. 1. - S. 1201-1207.
15. Temirov F., Islomov D. Sadriddin ayniy – zamondoshi fitrat haqida // Scientific progress. - 2021. - T. 2. - №. 1. - S. 1349-1354;
16. Temirov F. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. Volume: 2 Issue: 01 | 2022.